

Ж. Құрбонов

Хикмат излаганга ҳикматдир дүнө

# МАҢНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

Газета 1994-йил 21-июлдан чиқа бошлаган



2021-йил  
29 сентябрь,  
№ 18 (767)

Маңнавий-мағрифий, ижтимоий, иктисолий ва ҳуқукий газета



\*\*\*

Хар қандай шамолга ишонасан сен,  
Сочларинг түздими — хар ён тарадинг?  
Худди сенинг тоза бағрингдайин кенг —  
Очилиб туради деразаларинг.


Ишқилиб бахтимга омон бўл, омон,  
Тўзиган сочингни турайин кўриб.  
Менинг хаёлларим кетар сен томон —  
Очик деразангдан кирмоқчи бўлиб.

\*\*\*

Боряпман...  
Нишонга тегмаган ўқдай,  
Кафтимда дунё бор — гўё бир сиким.  
Шунча оломоннинг ичидан кўрқмай,  
Юрагимни баланд кўтариб чиқдим.

Нима хам кўрибман кирк йил ичидা,

## Сулҳ майдони вазифасини ўтаган масжид



Бу хоро шаҳридан "Шаби-Шабнам" тўйхонасида Ўлкашунослик-ахборот сектори томонидан филология фанлари доктори, профессор Раҳим Воҳидов хотирасига бағишлаб "Илм – адаб наввари" мавзусида ёднома кечаси бўлиб ўтди. Кечани Бухоро давлат университети ректори О. Ҳамидов очиб берди. Тадбирда "Умбобой мерос" Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот маркази виляят бўлими директори М. Бозорова, БухДУ доценти, филология фанлари доктори Ш. Ҳайитов, БухДУ профессори, филология фанлари доктори Ш. Аҳмедова, БухДУ Кафедра мудири, филология фанлари доктори X. Эшонкулов, БухДУ доцентлари, филология фанлари номзодлари X. Сафарова, Қ. Тўҳсанов, Н. Бекова, М. Ражабова, З. Амонова, Раҳим Воҳидовнинг рафиқалари, оила аъзалиридан Эркинжон, Ноңирахон, Нозимахон, Ноңизахон, Элбекжонлар сўзга чиқиб, ўз маърузаларида Раҳим Воҳидов 40 дан зиёд катта-ю кичик китоблар ва 300 дан ортик илмий маколаларнинг муаллифи эканлиги, олимнинг инсонин фазилатлари тўғрисида гапидилар.

Раҳим Воҳидов асарлари турли мавзуларда ёзилган бўлиб, олим биринчилардан бўлиб ҳазрат Навоийнинг тафаккур тагзамини – илоҳиётга оид

асарларини чукур ўрганди. Шоир ижодини илмий ҳақонийлик билан ёритишга муносиб хисса кўшиди.

Бу хоро ихтисослаштирилган мақом мактаб-интернати ўқитувчи ва ўқувчилари томонидан ижро этилган ҳазрат Навоий ғазаллари асосида яратилган тароналар йигилганларга эстетик завқ улаши.

Тадбирда ўлкашунослик-ахборот сектори томонидан ташкил этилган "Хотира – мукаддас, қадрлаш – манг'у" мавзусидаги китоб-расмли кўргазма билан сектор мудири Иnobat Ҳамросва тадбир иштирокчилари и яқиндан таништириди. Кеча сўнггида фолларни тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Ҳаётда шундай инсонлар яшаб ўтадики, уларнинг хотириаси ёш авлодни янги мэрраларга ундаиди, кўлган эзгу амаллари ҳалк

орасида, ҳамкасб, шогирдлари ёдиди узок йиллар яшайди. Раҳим Воҳидов ҳам шундай, гўзал инсоний сифатларга эга, яхши инсон, меҳрибон ота, фидойи устоз эди.

Ў. ҚУРБОНОВА,  
БухДУ Педагогика кафедраси катта  
ўқитувчиси



## Касаба уюшмаси рағбатидан теримчилар шод

Қаердаки рағбат бор, ўша ерда ишга муносабат ўзгарида, саъй-харакат ва шизоатда ҳам унум бўлади. Шу кунларда, далаларда пахта йигим-терими авжиди. Дечқонлар пахта ҳосилини совўк кунларга қолдирмаслик учун меҳнатга астойдил бел боғлаган палла.

Ромитан туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси раиси М. Остонов тумандаги "BST Cluster" МЧЖга қарашли пахта далаларида бўлиб, у ерда теримчиларга яратилган шарт-шароитлар билан таниши.

Кластер раҳбарияти ва аъзолари билан кечган мулокотда мавсум давомида нималарга аҳамият берип лозимлиги, хусусан, болалар эксплуатациясидан фойдаланмаслик ва мажбурий меҳнатга йўл кўймаслик тутусида тушичалар берди.



## Мустақиллик инъомлари

Республика Мањавият ва маърифат маркази Буҳоро шаҳар бўлинмаси ташаббуси билан мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишлаб, "Мустақиллик – олий неъмат" ва "Бир нуроний беш нафар ёшга мураббий" мавзуларида мањавиий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Қувонарлиси, ҳар бир махаллада ўтказилиб келинаётган бундай тадбирларда фуқароларимиз фаол иштирок этишмоқда.

"Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" шири остида Буҳоро шаҳар "Махмуд Торобий" махалла фуқаролар йигинида қутлуг сана муносабати билан ўтказилган тадбирда Махалла ва оиласи кўллаб-куватлаш Буҳоро шаҳар бўлими, Республика Мањавият ва маърифат маркази Буҳоро шаҳар бўлинмаси, ЎЗМДПП шаҳар Кенгаши фаоллари ҳамда махалладаги нуроний онахон ва отахонлар иштирок этишиди. Тадбирда сўзга чикканлар мустақиллик буюк неъмат, унинг замирида эркин ва фаровон хаёт, тинчлик ва осойишталик мужассам эканлитини, ҳар бир ҳалқ ва миллат ўз эркин ва озодлиги учун матонат ила курашиб келганигини билдириб ўтдилар.

Дарҳаккат, Ватанимиз таракқиёти, мамлакатимиздаги буюк ўзгариш ва янгиланишлар самараси юргдошлиримиз турмуш фаровонлиги, хонадонлардаги қут-барака, тинчлик-осойишталик тимсолида ўзининг ёрқин ифодасини топаётир. Шу боис ҳам мамлакатимиз истиклолини, у билан боғлик тарихий сана ва воқеа-ходисаларнинг моҳиятини чукур англаш ва қадрлаш, муносиб нишонлаш ижтимоий-сиёсий, мањавиий ҳаётимизда алоҳида ўрин тулади.

"Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" шири остида ўтказилаётган тадбирлар орқали, айникса, ёшлар қалбида Ватанга муҳабbat туйгуларини камол топтириш, тинч ва осойишта ҳаётимизга шукроналик хиссини кучайтиришга алоҳида этилбор қаратиб келинмоқда. Ўттиз йил мобайнида республикада амалга оширилган туб ислоҳотларнинг моҳияти, мамлакатимизнинг ҳалқаро майдонда нуфузи юксалиб бораётгани, Юртбошимиз раҳбарлигига Ўзбекистонда қандай мухим ислоҳотлар ҳаётга татбик этилганининг аҳамиятини ўрганиш ва ҳалқимизнинг кенг қатламларига чуқуроқ очиб бериш мухим вазифадир. Истиклол даврининг яратувчилик, бунёдкорлик жараён аждодларимизнинг эзгу, ижобий тажрибаларини умумлаштириб, янги асосларда тараккий эттириди. Ҳаётимизнинг мањно-маъмурини тубдан ўзгартириб, ҳалқимизни қарамлик қишиланларидан озод қилгани, топтalgan қадриятларимиз, дину динатимиз, ору номусимизни тикиш, ўзлигимизни ўз кўнимиз билан куриш йўлида бекиёс имкониятлар очиб бергани учун мустақилликнинг қадрига стиш, уни авайлаб-асраш ҳар биримизнинг мукаддас бурчимиздир. Шундай гўзал ва бетакрор юртда туғилиб вояга стаётганимизга, шу Ватанда яшаб, фарзандлик бурчимизни адо этаётганимизга шу